

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл овод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
4 август

ШАНБА

№ 62 (13115)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йилларда мамлакатда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ягона тизимини яратиш, тиббиётнинг хусусий секторини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва соғлом авлодни шакллантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш борасида кенг қўлланма чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳада соғлиқни сақлашни самарали ислоҳ қилишга тўқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

Биринчидан, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислохотлар тўлиқ бўлмаган шаклда ва тизимсиз тарзда амалга оширилмоқда, бу эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самардорлиги ва сифатини ошириш имконини бермаяпти;

Иккинчидан, республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг хорижий мамлакатларда қўлланилаётган муваффақиятли тажрибаси ва аниқ инновацион моделлари лозим даражада ҳисобга олинмаётганлиги соҳага инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини бермаяпти;

Учинчидан, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари, энг аввало, республиканинг хусусий соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларнинг касбий малакасини ошириш ва лозим даражада сақлаш, уларнинг кўникмалари замонавий талабларга мувофиқлиги устидан таъсирчан мониторинг тизими жорий этилмаган;

Тўртинчидан, хусусий секторни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш ор-

қали давлатнинг соғлиқни сақлашга харажатларини мақбуллаштиришга, шунингдек, хусусий тиббиёт ташкилотларини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига интеграция қилишга етарлича эътибор қаратилмаяпти;

Бешинчидан, клиник протоколлар ва тиббий стандартларнинг мукамал эмаслиги, шунингдек, инновацион ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги аҳолига тиббий ёрдамни ташкил этишга замонавий услуб ва ёндашувларни жорий этиш имконини бермаяпти;

Олтинчидан, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тўғрисида ҳаққоний маълумотлар, шунингдек, ишончли тиббиёт статистикасининг ягона базаси шакллантирилмаганлиги соғлиқни сақлаш тизими аҳолини муносиб баҳолаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини бермаяпти;

Еттинчидан, ҳал этилмаган муаммо ва камчиликларнинг сақланиб қолаётганлиги жамиятда тиббиёт ходимларининг имиджи ва обрўсига салбий таъсир кўрсатмоқда, ушбу касб нуфузини ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишончни пасайтирмоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, республика соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш тизимининг самардорлигини ошириш, шунингдек, соҳага чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инно-

вацион моделини жорий этишнинг стратегик мақсадлари этиб белгилансин:

умумэтироф этилган халқаро методикаларга мувофиқ аниқланадиган мамлакат аҳолиси саломатлиги кўрсаткичларининг барқарор яхшиланишини ва соғлиқни сақлаш тизимидан қаноатланганлик даражасини таъминлаш;

дастлабки босқичда минтақада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самардорлиги бўйича етакчи ўринларни ҳамда кейинчалик соғлиқни сақлаш тизими самардорлигининг жаҳон рейтингларида муносиб ўринни эгаллаш;

аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмида хусусий сектор улушини салмоқли даражада қўлайтириш, ушбу хизматнинг сифатини ва ундан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

миллий иқтисодиётнинг бюджетни шакллантирадиган тармоғи сифатида тиббий туризми шакллантириш, кейинчалик унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига ҳиссасини изчил ошириб бориш;

республика тиббиёт ва фармацевтика ходимлари, шу жумладан, бошқарув кадрларида халқаро стандартларга мувофиқ узлуксиз таълим бериш ва улар малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (кейинги ўринларда Миллий палата деб юритилади) ташкил этилсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини, илғор халқаро стандартлар ва жаҳондаги энг яхши амалиётни ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий

этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш; замонавий клиник қўлланмалар ва протоколлар, диагностика ва даволаш сифатига оид стандартлар, шунингдек, моддий-техник жиҳозлаш стандартларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, уларнинг ўз вақтида жорий этилишини мониторинг қилиш;

зарур статистик ахборот билан таъминлаш мақсадида тиббиёт статистикасини тўплаш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, шунингдек, статистик кўрсаткичларни манипуляция қилиш имкониятини истисно этадиган халқаро стандартлар ва методикаларни жорий этиш;

республика шифокорлари ва провизорларини рўйхатга олиш тизимини жорий этиш, шунингдек, умумий фойдаланиш учун очиқ бўлган ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

халқаро стандартларга жавоб берадиган соғлиқни сақлаш инфратузилмасини яратишга, шу жумладан, тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун молиявий маблағлар жалб этишга, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида янги ташкилотлар ташкил қилишга қўмаклашиш;

тиббиёт ходимларининг обрўсини, ушбу касб нуфузи ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишончни ошириш, тиббиёт ходимларига одоб-ахлоқ қоидаларини сингдириш, коррупция кўринишларига барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, уларнинг касбий фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш чораларини кўриш;

Давоми 2-бетда ➡

Дарвоқе...

Ҳеч кимга айтолмай юрган бир дардим бор эди. Айтолмаслигимнинг сабаби битта — ким қандай тушунади...

Ораимизда турфа феъл-атворли инсонлар бор. Бири Ботир тўғри айтаяпти, деса, бошқаси, сал камсукумроқ бўлса бўлмасмикин, бу шоир дегани, дейиши аниқ. Шу андишада дардимни ичимга ютиб юрдим. Балки, бу ҳолдан бошқа шоир дўстларимиз азият чекмаётгандир. Аммо, менга роса оғриқ беради.

«Мендурман ўшал...»

Юртимизда ҳозирги кунда қўлаб телеканаллар фаолият олиб боради. Шулардан аксарияти эфир вақтининг ярмини мусиқий кўнгилочар дастурлар эгаллаган, десак янглишмаймиз. "Бў бўстон саҳнида гул қўп, чаман қўп", деганларидек, ҳар хил жанрларда куйлайдиган, турлича овоз ва ижро имкониятларига эга хонандаларнинг "марди майдони" бўлган бу телеканаллар халқимизга тинимсиз қўшиқлар гулдастасини тақдим этиб келяпти. Бироқ, каминани ўйлантираётгани шуки, мутасаддилар қўшиқларни оммага ҳавола этишда негадир бир асосий жиҳатга буткул аҳамият беришмайди.

Очиги, уч-тўрт кун аввал Суннатбек деган бир жонқуяр укамизнинг кўнгироқ қилиб, каминига билдирган жиндақ танбехидан (ижобий маънода, албатта) кейин, сизларга, сиз орқали тегишли жойларга ўз эътирозларимни айтгим келди.

Телерадиоканаллардан бир қўшиқ янграса, бу фалончининг қўшиғи, деб дарҳол таниймиз. Агар янги овоз ёки янги қўшиқ бўлса-ку, узоғи билан бир ҳафта, ўн кунда эслаб қоламиз. Бозордан бирор буюм, ё бирор кийим олсак, унинг ё усти ё остидаги "Made in..." деган ёзувидан бу маҳсулот қаерники эканини билиб оламиз. Кечирасиз-у, ҳатто, ҳожатхона қозонига ҳам, қай манзилда, қайси корхона томонидан ишлаб чиқарилгани ёзиб қўйилади. Чунки, бу ишлаб чиқариш жараёнининг ҳаммага кундек равшан бўлган оддий талаби.

Давоми 4-бетда ➡

Ёз қувончлари — 2018

ОРОМГОҲНИНГ ОППОҚ ТОНГЛАРИ



Бўстонлик туманининг "Юсуфхона" қишлоғидаги "Нихол" болалар соғломлаштириш оромгоҳида эрта-миз давомчиларининг мириқиб дам олишлари, чини-қишлари, мактабда олган билимларини янада бойитишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Чиндан ҳам, оромгоҳ ҳудудига киришимиз билан спорт майдончаси, ошхона, ётоқхона, ўйингоҳ, кутубхона, ўқув хоналари ва сузиш ҳавзалари болалар ихтиёрида эканлигини кўрдик. Бундан ташқари, интернет тармоғига уланган компьютер хоналари мавжуд бўлиб, қизиқувчиларга шу йўналишда ҳам сабоқ берилади.

Давоми 2-бетда ➡

Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар

Давоми 2-бетда ➡

Жиноят ҳақиқати ва адолат

Бугун ҳадеганда кўзга кўринавермайдиган, аммо жамият учун ниҳоятда хатарли бўлган маънавий таҳдидлардан бири ўзибўларчилик ва бепарволикдир. Бу хусусда машҳур адибларимиздан бири: "Лоқайдлик дунёдаги энг кучли зилзила ва бўронлардан ҳам ёмонроқ душмандир", деб ёзган эди...

Афсуски, жойларда жиноятчиликка мурасиз муносабатни шакллантириш борасидаги ишлар тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги оқибатида жиноятчилик сони ортганлиги кузатишмоқда. Бу масалада барча даражадаги раҳбарлардан қатъий масъулият ва жавобгарлик талаб қилинса-да, жойларда ҳали жиноятчиликнинг туб илдизига тўлиқ етиб боришмаяпти. Жиноятларнинг асл сабаблари ўрганилмаяпти, маҳалла, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларидаги муҳокамалар номига ташкил қилиниб, расмийчиликдан нарига ўтмаяпти...

Айни шу фикрлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидлаб ўтилди.

Бўстонлик туманидаги "Наврўз" маҳалласида ўтган олти ой мобайнида 14 та жиноят содир этилди. Нега? Шу рақамнинг "ортидан тушиб", маҳаллага борганимизда, ишни 1 та ўғрилик, 3 та фирибгарлик, 1 та тан

Файрат Мадаминов негадир тарғибот-ташвиқот тадбирларида қатнашмаган...

Жиноят муҳокамаларининг даражаси биз кўздан кечирган ҳужжатлардан ҳам билиниб турибди. Қоғозларнинг айримларида жиноятларнинг сабаблари, унинг содир этилишига замин яратётган омиллар сифатида деярли бир хил сабаб — яъни фуқароларнинг ҳуқуқий билими етишмаслиги кўрсатиб ўтилган. Ҳужжатларда жиноятларни фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича амалий ҳаракатлар ҳақида бирор маълумот

тегишли бирорта жумлани топа олмадик.

Бир жиҳат бизни ниҳоятда қизиқтириб қўйди. Шу йилнинг 18 январь куни "Рўзимухаммад инobat" МЧЖ филиали директори Ихтиёр Нормирзаев вилоят "Исиклик манбаи" ИЧБ Бўстонлик тумани бўлими раҳбари Шуҳрат Сатаевнинг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб, Бош прокуратура ҳузуридаги тегишли департаментнинг Бўстонлик тумани бўлимига ариза билан мурожаат қилади. Маълум бўлишича, Ш. Сатаев ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотга тегишли 70 метрли темир маҳсулотларни

эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборганлигини айтади. Баённомада И. Нормирзаев сўзга чиқиб, ўзининг содир қилган хатти-ҳаракатидан пушаймонлиги ва бундай ҳолат бошқа қайтариқмаслигини, бу қилмиши учун афсусда эканини билдириб, барча йиғилиш иштирокчиларидан кечириб сўраганлиги қайд қилинган. Бироқ, негадир асосий айбдор Ш. Сатаевга сўз берилмади...

Ушбу жиноят сабаблари, уни содир этилишига замин яратган омиллар, жиноятни фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижалари ҳақида бирор-бир банд йўқ. Йиғилиш қарориди эса, одатдагидек, аҳоли ўртасида жиноятлар ва унинг оқибати тўғрисида кенг тушултириш ишларини олиб бориш тарзидаги юзак, умумий вазифалар белгиланган.

Қўлимиздаги 37-сонли баённомага кўра, 2018 йил 15 май куни туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган "Қорадори — 2018" махсус тадбири давомида 1934 йилда туғилган Айниса Қўчқорова ўз томоғида 7 туп қўқори ўстираётганлиги аниқланган. Эътибор бериш, 84 ёшли онахон қилапти бу ишни... Лекин бунинг сабаблари, афсуски, ҳужжатда кўрсатилмаган...

Давоми 3-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШНИНГ
ИННОВАЦИОН МОДЕЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

тиббиёт ходимлари касбий малака даражаси, шунингдек, уларнинг кўникмалари замонавий талаблар ва жаҳоннинг энг яхши амалиётига мувофиқлиги устидан, шу жумладан, улар фаолиятини яқка тартибда лицензиялашни жорий этиш орқали таъсирчан мониторинг тизимини йўлга қўйиш;

тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳага замонавий стандартларни жорий этиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори малакали хорижий эксперт ва мутахассисларни мамлакатга фаол жалб қилиш, мамлакатимиз мутахассислари ва экспертларининг чет элда стажировка ўташини ташкил этиш;

мамлакатимиз тиббиёт ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини ва жаҳоннинг энг яхши амалиётини чуқур ўрганиш асосида шифокор (тиббий) хатолари, касалликларни нотўғри диагностика қилиш ва даволаш ҳолатларини камайтиришнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мамлакат соғлиқни сақлашни бошқариш тизимига, шу жумладан, тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш масалаларида хорижий энг яхши амалиётини мослаштирилган тарзда жорий этиш, шунингдек, фуқароларни тиббий суғурталашни жорий қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш;

хусусий, энг аввало, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, шунингдек, соғлиқни сақлашнинг хусусий тизимини жадал ривожлантириш мақсадида давлат-хусусий шериклигининг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига жорий этиш;

хорижий (халқаро) тиббиёт ва бошқа ташкилотлар билан соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, шу жумладан, республика соғлиқни сақлаш тизимига грантлар, кредитлар, донорлик ва бошқа маблағларни жалб этиш мақсадида учрашувлар, музокара ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш, шунингдек, ушбу маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини мониторинг ҳамда назорат қилиш;

салоҳиятли инвесторлар, айниқса, хорижий инвесторларга республиканинг хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун инвестиция киритиш масалалари бўйича ахборот, маслаҳат, ҳуқуқий ва бошқа шаклларида, шу жумладан, бизнес-режалар ишлаб чиқиш ва тақдир этилаётган лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш манбаларини жалб қилиш орқали ҳар томонлама қўмак кўрсатиш;

3. Белгилаб қўйилсинки, Миллий палата:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизда уларни молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинган ҳолда ташкил этилади ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз таркибий бўлинмаларига эга бўлади, уларнинг тузилмалари ва низоми Миллий палата раиси томонидан тасдиқланади;

республика тиббиёт ва фармацевтика

Бошланғич 1-бетда

ҳодимларини бирлаштирувчи, республика соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш соҳасида ҳамда ваколатига киритилган бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, давлат бошқаруви органлари, тиббиёт ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш соҳасида ҳамда ваколатига киритилган бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, давлат бошқаруви органлари, тиббиёт ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқариш тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хорижий (халқаро) ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимига грантлар, кредитлар, донорлик ва бошқа маблағларни жалб қилиш ҳамда уларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан мониторинг ва назоратни ташкил этиш бўйича ваколатли ташкилот ҳисобланади;

тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ташкилотларнинг муассиси сифатида қатнашиш, соғлиқни сақлаш соҳаси ҳодимларининг малакасини ошириш бўйича тўлов-контракт асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳуқуқига эга;

2020 йил 31 декабрга қадар республикада касбий фаолиятини амалга ошираётган шифокорлар ва провизорларнинг Миллий палатада рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиши тақиқланади.

4. Миллий палата ҳузурида қуйдагилар ташкил этилсин:

а) Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлашнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича маслаҳат кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш);

Белгилаб қўйилсинки: Кенгашга Миллий палата раиси раҳбарлик қилади ҳамда унинг таркиби соғлиқни сақлаш соҳасидаги ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари орасидан шакллантирилади;

Кенгаш соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Миллий палатанинг коллегиял маслаҳат органи ҳисобланади;

Кенгаш таркиби Миллий палата раиси томонидан тасдиқланади;

б) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, маблағлари тижорат банкидаги махсус, шу жумладан, валюта ҳисобварағида жамланган Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлашни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма);

Қуйдагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет маблағлари;

шифокорлар ва провизорларни рўйхатга олишни амалга оширишдан, шунингдек, улар фаолиятини лицензиялашдан тушадиган маблағлар;

шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва бошқа ҳужайи фаолиятини амалга оширишдан тушумлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини банкларга жойлаштиришдан олинган даромадлар;

халқаро молия институтлари ва

хорижий ташкилотларнинг грантлари;

хайрия қилувчилар – жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари, шу жумладан, қуйдагиларга йўналтирилади:

Миллий палатани сақлаш, унинг фаолиятини моддий-техник таъминлаш ва ҳодимларини моддий рағбатлантириш;

халқаро стандартларга мувофиқ илгор тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини ташкил этиш, шунингдек, уларни замонавий ускуналар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш; замонавий клиник қўлланмалар ва протоколлар, диагностика ва даволаш сифати оид стандартлар, тиббиёт ташкилотларини моддий-техник жиҳозлаш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш;

республика тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларининг бинолари, иншоотлари ва бошқа инфратузилмасини қуриш, уларни замонавий ускуналар билан, шу жумладан, лизинг шартларида жиҳозлашга қайтарish шарти билан ва имтиёзли асосда маблағ ажратиш;

тиббиёт ва фармацевтика ҳодимларини хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ўқитиш, малака ошириш ва тажриба алмашишни республикада ташкил этиш учун хорижий мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

республика шифокорлари ва провизорлари тўғрисида умумий фойдаланиш учун очик бўлган ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва юритиш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида хайрия фаолиятини амалга ошириш;

Миллий палата зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қаратилган бошқа тадбирларни молиялаштириш.

6. Миллий палата 2018 йил охирига қадар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳодимларини аттестациядан ўтказсин ҳамда Миллий палатани юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Миллий палатага 2018 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари сақлаш учун назарда тутилган маблағларнинг ажратишини ҳамда кейинги йилларда маблағлар ҳажмларининг сақлаб қолинишини;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш доирасида Миллий палатанинг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича етакчи хорижий ташкилотлар, шу жумладан, "GMC Service International Ltd" (Буюк Британия) ташкилоти вакилларининг эксперт қўмагини жалб этишга доир харажатларнинг молиялаштирилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Миллий палатага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади;

Миллий палата раиси меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

Миллий палата раиси Миллий палата

раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосар ва икки нафар ўринбосарга эга;

Миллий палата раиси халқаро молия институтлари, чет эл ҳукумат молия ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг маблағларини жалб этишни назарда тутадиган битим ва бошқа ҳужжатларни, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича инвестиция битимларини ўрнатилган тартибда имзолаш ҳуқуқига эга;

Миллий палатанинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва туризм масалалари комплекси томонидан мувофиқлаштирилади;

соғлиқни сақлаш масалаларига оид ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Миллий палатада экспертизадан ўтказилиши шарт;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва сарфлаш, шунингдек, Миллий палата ва унинг бўлинмалари ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Кенгаш томонидан белгиланади.

9. Қуйдагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси фаолиятини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

10. Миллий палата раисига:

зарур ҳолларда Миллий палата тузилмасига белгиланган ҳодимлар сони доирасида ўзгартириш киритиш;

юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари, илмий-таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек, бошқа экспертларни маслаҳатчи сифатида шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

11. Қуйдагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимов зиммасига – Миллий палатанинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлар билан самарали ўзаро ҳамкорлиги таъминланиши, шунингдек, соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан жавобгарлик юклансин.

12. Миллий палата манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Миллий палата тўғрисидаги низомини тасдиқлашни назарда тутадиган ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

13. Миллий палата 2022 йил 1 январга қадар мuddатда:

ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, компьютер техникаси, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулот-

лари, қурилиш материаллари, инвентарь ва бошқа моддий-техника ресурслари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати 2018 йил якунларига кўра Миллий палата фаолиятининг самарадорлигини ўрганиш ҳамда 2019 йил 1 февралга қадар мuddатда унинг фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, шифокорлар ва провизорлар фаолиятини яқка тартибда лицензиялаш тизимини жорий этиш бўйича тақдирлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Миллий палатанинг буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этилаётган чет эл мутахассислари, шу жумладан, халқаро экспертларга белгиланган тартибда кириш визаларининг консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миллий палатанинг буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этилаётган чет эл мутахассислари, шу жумладан, халқаро экспертларга белгиланган тартибда давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилишини (мuddати узайтирилишини), шунингдек, уларнинг вақтинчалик яшаш жойларида вақтинча прописка қўйилиши ва вақтинча прописка мuddати узайтирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Миллий палата буюртманомаларига биноан белгиланган тартибда республикага чет эл мутахассислари, шу жумладан, халқаро экспертларни жалб этишга рухсатномалар берилишини (мuddати узайтирилишини), шунингдек, ушбу чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (мuddати узайтирилишини) таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Миллий палатани белгиланган тартибда ҳукумат ва шаҳар алоқаси билан таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Н. Арипов) Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ҳафта мuddатда Миллий палатанинг жойлаштирилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Миллий палатага 6 та, шу жумладан, 4 та шахсий, 1 та юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган ва 1 та наватчи авто-транспорт воситасини сотиб олиш ва сақлашга лимит ажратсин.

21. Миллий палата Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдир киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 август

Аслида, давлатимиз раҳбари томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сўсий фаолиятини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,

ЯХШИДИР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

лек ширин ёлғон ёмон...

шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида кенг имконият, зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. О. Парпирова бу борада вилоятда амалга оширилган ишлар, хусусан, фармон ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида назорат тизими жорий қилингани, 7 та ишчи гуруҳ тасдиқланиб, "Йўл харитаси" ишлаб чиқилгани, вилоят комиссияси бу ишларни мувофиқлаштиришда фаол иштирок этаётганини айтиб ўтди. Натижада, 3 мингдан ортиқ ёрдамга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга моддий

ёрдам кўрсатилди, уй-жойга муҳтож, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг 66 нафари ўз бошпанасига эга бўлди. Ташкил этилган тивув цехларида 1 минг 116 нафар оғир турмуш шароитида яшовчи хотин-қиз иш билан таъминланди.

– Умуман рўйхатга олинган 4 минг 250 нафар ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъ-

Демак, хотин-қизлар ўртада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишларимиз суст, етарли эмас.

Айниқса, мутахассислар фаолияти Ангренада, Зангиота, Кибрай, Тошкент туманларида яхши йўлга қўйилмаган. Бошқа шахар, туманларимизда ҳам, очинган айтиш керак, хотин-қизлар қўмиталари,

бошланғич ташкилотлар фаолияти суст. Нима учун Ангрэн шаҳридаги ўз жонига қасд қилиш ҳолатидан мутахассис беҳабар? Ёки "Қайноналар кенгаши" раиси нега жиноий жавобгарликка тортилди? Нима учун кибрайлик аёллар туман ёки вилоят хотин-қизлар қўмиталарига эмас, Республика Хотин-қизлар қўмитасига келиб, ўз дардларини дастурхон қилишадилар?

Йиғилишда, шунингдек, вилоят "Оила" илмий-тадқиқот маркази раиси Дилором Маҳмадалиеванинг ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ахбороти тингланди. Ўзбекистон Республикасида Оила институти-

ни мустаҳкамлаш концепциясининг мазмун-моҳияти, қарордан келиб чиқадиган вазифалар алоҳида таъкидланди. "Оила" марказлари, имом-хатиблар, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда олти ой давомида ажралиш арафасида турган 1 минг 125 оила яраштирилгани айтиб ўтилди. Маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларнинг малакалари оширилди.

Видеоселектор давомида ҳар бир шаҳар-туман хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари ахбороти тингланбди, белгиланган мuddатда камчиликларни бартараф этиш ҳақида топшириқлар берилди. Шунингдек, қўмита ҳузурида ўзрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини ташкил этиш бўйича режалар жадвали ишлаб чиқилгани, унга кўра, марказлар фаолияти ўрта босқичда амалга оширилиши маълум қилинди. "Бу ишларда мухтарам Президентимиз таъкидлаган "Жиноят ҳақиқати ва адолат" тизими муҳим дастуриламаларимиз бўлади", дейишди мулоқот иштирокчилари.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ОРОМГОҲНИНГ ОППОЗ ТОНГЛАРИ

– Биласизми, ҳозир болажонларимиз жуда ақлли, доно бўлиб улғайишяпти, – дейди оромгоҳ раҳбари Иброҳим Нурметов. – Илоҳим, кўз тегмасин. Бу мавсумда 7 сменада болаларни қабул қилишни режалаштирганимиз. Ҳар бирда 150 нафардан ўғил-қиз 12 кун давомида яйрашади. Уларни спортга қизиқтириш, чинқиртириш мақсадида тез-тез футбол ўйинлари ташкиллаштираемиз. Баъзан, ўзим ҳам улар билан ўйнаб, ёлғимизни эслайман. Яқиндагина кутубхонамизни 1000 дан зиёд китоблар билан бойитдик.

– Оромгоҳда куним жуда-яна мароқли ўтмоқда, – дейди ўқувчи Умид Мухаммадиев. – Ҳар кун 6 маҳал овқат беришади. Тарбиячи опаларимиз жуда меҳрибон. Айниқса, Дилбар опани роса яхши кўраман. Чунки, у ҳар кун иккилашимиздан олдин ҳикоя, эртаклар ўқиб беради. Ўйга борсам, эшитганларимни, албатта, укаларимга ҳам сўзлаб бераман.

Оромгоҳдаги болалар до-



имий равишда шифокорлар назоратида.

– Бу ерга келган болажонларнинг ҳам жисмонан, ҳам ақдан чинқиқишига эришишимиз керак, – дейди шифокор Нормурод Арипов. – Бунинг учун ҳар бир ходим ўз ишига масъулият билан ёндашиши зарур. Шундан келиб чиқиб, биз, биринчи гада, болаларнинг овқатланиш рақиди, уларнинг саломатлигини кечая-кунду назорат қилишга қатта эътибор берамиз. Масалан, ҳар кун улар чўмилишга борганида бирма-бир тиббий кўрикдан ўтказамиз. Шунингдек, ошхонанинг санитария ҳолати, овқатларнинг сифати ва гигиени талабларга жавоб беришини доимий назорат қиламиз.

Одатда, мактаб ёшидаги болаларнинг аксарияти бир оз ўйинқароқ бўлади. Уларни гапга қўлоқ солдириш, кўн-

лини ола билиш, тил топиша олиш бир оз мураккаб. Шу боис, ҳар бир болакай яхши гап, ширин сўз ва меҳрга талпинади. Бош тарбиячи Дилбар Ғуломов уч йилдан бери бу борада ибрат ва ташаббус кўрсатиб келмоқда. Умиджон айтган меҳрибон аёл шу. – Буларсиз ҳаётимни тасаввур қилишим қийин, – дейди Дилбар опа. – Биласизми, оромгоҳни ўз уйимдек ҳис қиламан. Шунинг учун кўп ҳолларда шу ерда қоламан. Кичиктойлар билан вақт қандай ўтганини сезмайман, ба

Темур Убайдулло 70 ёшда!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, халқаро Аҳмад Ясавий мукофоти совриндори, шоир Темур Убайдулло номи адабиёт, шеърят илҳомланишига яхши таниш. Айниқса, газетамиз муштарийлари тахририятимиз фахрийсининг тўқсонинчи йилларнинг охирида газетамиз саҳифаларида пешма-пеш эълон қилинган ўқир публицистик мақолалари, ҳозиржавоб таҳлилий чиқишларини илиқ қарши олишган, ҳали-ҳануз эслаб юришади...

«ИШҚ БИЗГА ЁРДИР,
БОШҚАСИ БЕКОРДИР...»

Шу кунларда вилоятимизнинг Тошкент туманида туғилиб, вояга етган ижодкор таваллуднинг 70 йиллиги муносиб нишонланмоқда. Вилоят ҳокимининг тегишли қарорига мувофиқ, жойларда шоир иштирокида ижодий кечалар, мушоиралар, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Куни кеча ижодкор туғилиб ўсган Тошкент туманида "Назм ва наво" кечаси бўлиб ўтди. Адабий издиҳомда вилоят ҳокимлиги, Республика Ёзувчилар уюшмаси мутасаддилари, адабий жамоат-

чилик вакиллари, шеърят мухлислари, фахрий ижодкорнинг ҳамкасблари жамулжам бўлдилар. Анжумани очар экан, вилоят ҳокими ўринбосари Алимардон Қаршиев мамлакатимизда адабиётга, маънавиятга, китобхонликка қаратилаётган эътибор ва унинг ёш авлод тарбияси, камолотидаги беқиёс ўрни ҳусусида тўхталди ва шоирга вилоят ҳокимининг табриги ва эсдалик совғасини топширди.

Шоирни қўлаб сўз олган Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир,



Шеърят мухлислари шу кунни ўз элининг дарди ва қувончига шерик яшаган ижодкор ўз элидан қандай муҳаббат ва эҳтиром кўришига яна бир қарра гувоҳ бўлдилар. Шоирнинг ўзидан иқтибос:

Ишқ бизга ёрди, бошқаси
бекордир...

Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

Футбол

Суперлига-нинг 20-тур баҳслари ўз низоҳисига етди. Унда футбол мухлислари бир қатор қизиқарли учрашувлар ва қўтилмаган натижаларга гувоҳ бўлишди.

Олмалиқда ОКМК жамоаси Навоийнинг "Қизилқум" клубини қабул қилди. Бу баҳсда мезбонлар рақибларига нисбатан ҳар жабҳада устунлик қилиб, уларга ҳеч қандай имконият қолдиришмади.

Шу тариқа ўйин 3:0 ҳисобида олмалиқлик футболчиларнинг ғалабаси билан якунланди. Турнинг иккинчи кунги баҳсларида Бекободнинг "Металлург" жамоаси Бухорога сафар уюштирди. Бу

беллашув бекободликлар учун муҳим эди. Чунки, ҳар бир йўқотилган очко уларнинг турнир жадвалидаги ўрнига салбий таъсир кўрсатарди. Мурасиз ва кескин қурашларга бой ўтган белла-

шув 2:1 ҳисобида "Бухоро" жамоасининг устунлиги билан тугади. Мазкур мағлубиятдан сўнг "Металлург" турнир жадвалида бир поғона пастлаб, 7-ўринга тушиб қолди.

Ўз мухбиримиз

Кўпни кўрган, табаррук отахон ва онахонларнинг бой ҳаётий тажрибаси ёш авлод тарбиясида катта ибрат мактаби вазифасини ўтайди. Шу боис, бу онахоннинг қилмиши низоҳатда ташвишли хавотирлар уйғотади. Шунга кўра, мазкур ҳолат муҳокамаси ҳам анча юқори савияда ўтиши керак эди. Бироқ, бу галги муҳокама ҳам икки энлик қоғоз-

ларда қабул қилинган қарорлар ижросига тегишли бирорта ҳам ҳужжат йўқ экан. Энг аввало, эътиборимизни 2018 йилнинг 31 март кунги бўлиб ўтган мажлис баённомаси тортди. Туман прокурори А. Гафуров томонидан тасдиқланиб, имзо қўйилган мазкур мажлис чиндан ҳам бўлиб ўтганига ишонмадик. Афсуски, шубҳамиз рост бўлиб қикди.



лик жинояти тафсилотлари қисқача келтириб ўтилган, холос. Шундан сўнг мажлис қарор қабул қилган. Бир бандда "Бўстонлик овози" газетаси бош муҳаррири М. Алиохунова зиммасига мазкур жиноят тафсилотларини рўзнамода чоп этиш вазифаси юклатилган...

Собира опанинг: "Баённомани аслида маҳалла инспектори билан ёзиб қўйганмиз", деган иккорога, балки, унинг хаяжони сабаб бўлгандир, деб ўйладик ва йиғилиш иштирокчилари билан телефон орқали боғландик. Энг аввало, туман газетаси муҳаррири М. Алиохуновдан "Қарор ижроси юзасидан ҳазматда чиқиш қилин-

ган қилинган қарорлар ижросига тегишли бирорта ҳам ҳужжат йўқ экан. Энг аввало, эътиборимизни 2018 йилнинг 31 март кунги бўлиб ўтган мажлис баённомаси тортди. Туман прокурори А. Гафуров томонидан тасдиқланиб, имзо қўйилган мазкур мажлис чиндан ҳам бўлиб ўтганига ишонмадик. Афсуски, шубҳамиз рост бўлиб қикди.

лик жинояти тафсилотлари қисқача келтириб ўтилган, холос. Шундан сўнг мажлис қарор қабул қилган. Бир бандда "Бўстонлик овози" газетаси бош муҳаррири М. Алиохунова зиммасига мазкур жиноят тафсилотларини рўзнамода чоп этиш вазифаси юклатилган...

Собира опанинг: "Баённомани аслида маҳалла инспектори билан ёзиб қўйганмиз", деган иккорога, балки, унинг хаяжони сабаб бўлгандир, деб ўйладик ва йиғилиш иштирокчилари билан телефон орқали боғландик. Энг аввало, туман газетаси муҳаррири М. Алиохуновдан "Қарор ижроси юзасидан ҳазматда чиқиш қилин-

МУҲОКАМАЛАР ҚОҒОЗДА ЭМАС,
ОДАМЛАР ҚАЛБИДА АКС-САДО БЕРСИН

ни ҳисоботларга тиркаб қўйиш учунгина бўлгани шундоқ кўриниб турибди...

Тумандаги "Марказий" МФЙда ҳам бу борадаги ишларни қониқарли, деб бўлмайди. Маҳалла ҳудудида 1 минг 126 хонадон бўлиб, 3 минг 748 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шу йилнинг опти ойи давомида маҳаллада 14 та жиноят содир этилган бўлиб, улардан 5 таси ўғирлик, 1 таси қотиллик, 2 таси фарибгарлик, 2 таси тан жароҳати етказиш ва ҳоказо. Туман прокурорига бириктирилган маҳаллада содир этилган жиноят муҳокамалари ҳақида ҳам бир дунё саволлар туғилди...

Маҳалла идорасига борганимизда эшик қулф экан. Тўшлик вақти тугаган бўлса-да, ярим соат қутқиша тўри келди. Мухбирлар келишибди, деган гапни эшитган маҳалла посбони ва котиба Собира Турсметова етиб келишди. Айрим сабабларга кўра, маҳалла раиси С. Исроиллов билан учрашишнинг имкони бўлмади. Ҳудудда содир этилган жиноятлар муҳокамаси қандай ўтаётганини сўраганимизда қўлимизга бор-йўри 8 та йиғилиш баённомаларини топиб беришди. Ўтказилган мажлис-

"Ушбу йиғилиш туман прокурори иштирокида ўтганим", деган саволимизга "Ҳа, албатта", деб жавоб қайтарган С. Турсметова, йиғилиш иштирокчиларидан буни суриштиришимизга ишора қилганимизда: "Тўртинчи айтсам, маҳалла инспектори билан шу хонада ўтириб ёзиб ташлагандик", деди-қўйди.

Шу ўринда мажлис иштирокчилари таркибига ойдинлик киритиб ўтайлик. "Ҳужжат"га кўра муҳокама йиғилишида туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Л. Шодиева, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари Ж. Собиров, вояга етмаганлар ишлари бўйича туман идораларро комиссияси масъул котиби Б. Мираҳметов, "Бўстонлик овози" газетаси бош муҳаррири М. Алиохунова, маҳалла аҳолисидан 68 нафар киши иштирок этибди. "Таркиб" рисоладагидек, шундай эмасми?

Баённомада Олег Боборахматов уйда содир этилган ўғри-

ганим-йўқим", деб сўрадик. Саволимиздан ҳам ажабланиб, ҳам ачиқланган бош муҳаррир: "Агар йиғилишда қатнашганимда шу ҳақда газетамизда расмлари билан мақо-



ла эълон қилган бўлар эдик", деб жавоб берди. Шундан кейин Л. Шодиевага қўнғироқ қилдик. Ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси аввалига мажлисда иштирок этган ёшларнинг аниқ эслаб олмаслигини айтиб, ўзида мавжуд баённомаларни кўздан кечириб, саволимизга аниқ жавоб қайтарганини маълум қилди. Ва-

жиятга ойдинлик киритиб олганидан кейин бизга қўнғироқ қилиб, йиғилишда қатнашмаганимизни, бу ҳолатдан жамли чиқиб, С. Турсметовга танбех берганимизни айтди.

"Марказий" МФЙ вакиллари бу билан аслида қимни алдасаяпти? Сохта ҳужжати имзолашдан нега чўчишмади? Саволлар кўп...

Туман прокурори қатнашганлиги қайд қилинган яна бир мажлис баённомасига эътибор берайлик. 2018 йилнинг 10 апрель кунги бўлиб ўтган мажлисда жами 118 киши қатнашгани қайд қилинган. У 2018 йил 9 апрель кунги ҳудудда содир этилган қасддан одам ўлдириш жи-

нояти муҳокамасига бағишланган. Бироқ, муҳокаманинг ўзи йўқ. Фақатгина жиноят тафсилотларини келтириб ўтиш билан қиёфаланилган. Йиғилиш қарориде эса содир этилган

мажлис баённомасига бағишланган. Бироқ, муҳокаманинг ўзи йўқ. Фақатгина жиноят тафсилотларини келтириб ўтиш билан қиёфаланилган. Йиғилиш қарориде эса содир этилган

мажлис баённомасига бағишланган. Бироқ, муҳокаманинг ўзи йўқ. Фақатгина жиноят тафсилотларини келтириб ўтиш билан қиёфаланилган. Йиғилиш қарориде эса содир этилган

мажлис баённомасига бағишланган. Бироқ, муҳокаманинг ўзи йўқ. Фақатгина жиноят тафсилотларини келтириб ўтиш билан қиёфаланилган. Йиғилиш қарориде эса содир этилган

Курсант бурчаги

Яхши биламизки, Бош Қомусимизга мувофиқ, мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади, унга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва Қонунлар билан ҳимоя қилинади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ —
ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Албатта, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Шу ўринда сўзимизни амалдаги қонунчилигимиз мисолида давом эттирайлик. Масалан, Жиноят процессуал кодексининг 11-моддасида, "Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек, жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя қилишлари ва унинг талабларини бажаришлари шарт", дея қайд этилган.

Бинобарин, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг асосий сабабларидан бири кўп жиҳатдан ҳудди шу ишни ҳал қилиш мажбурияти юклатилган шахсларнинг ноқонуний ҳаракати ва ҳаракатсизлиги ҳисобланади. Шу муносабат билан жиноят процессида ҳақиқатни қарор топтириш иш иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашнинг асосий жиҳатларидан биридир. Мазкур жараёнларда ҳимоячининг иштирок этиши жиноят иши юзасидан терговни тўла ва ҳар томонлама, сифатли олиб борилишининг муҳим омилдир.

Бир сўз билан айтганда, жиноят ишларини юритишда ҳимоячининг иштироки фақатгина айбланувчи ва гумонланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилибгина қолмасдан, уларнинг асосий жавобгарликка тортилмасликларида ҳамда жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган бошқа шахсларнинг панада қолиб кетмасликлари, жиноят ишини тўлиқ ва сифатли тергов қилинишига имкон яратди.

Р. ТЕМИРОВ,
ИИБ Академияси курсанти

ров бир хил мазмундаги гапларни айтиб кетган экан. 22 март санасидаги йиғилиш рўйхатини жиноят муҳокамасига бағишланган ва унда Д. Норов айтган гапларни баённомадан айнан келтирамиз:

"Муқаддам судланган шахслар билан маҳалла вакиллари томонидан етарли ишлар олиб борилмаётганлигини, вақтинча ишсиз шахсларни ишга жойлаштириш ишлари олиб борилмаётганлиги, улар томонидан такроран жиноят содир этилишига оид келаётганлиги, мазкур жиноятга ўхшаш жиноятларни олдини олиш юзасидан муқаддам судланган шахслар билан маҳалла фаоллари ўртасида давра суҳбатларини қўлаб олиб бориш уларни иш билан таъминлаш маҳалла фаолларидан мураббийлар бириктириш, фуқароларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан маҳалла фуқаролари орасида давра суҳбатларини қўлаб олиш республикамизда қабул қилинаётган қонунлар юзасидан давра суҳбатларини ўтказиш кераклигини айтиб ўтди(!)..." (жумладан услубий хато ва ғализликлар иқтибос матнига тегишли).

Ҳудди шу матни 25 май санаси билан қайд қилинган баённомда ҳам учратдик. Унда иштирок этган маҳалла аҳолиси сони маълум эмас. Мажлис маҳаллада гиёҳвандлик жинояти содир этилганлиги сабаби қайд қилинган. Яна шу бандни "Наврўз" маҳалласига тегишли ҳужжатда ҳам кўриш мумкин.

Албатта, Д. Норов қаерда мажлис ўтказмасин, айнан бир мазмундаги гапларни такрорлаб юрмаса керак...

Маҳалла мажлисларида муҳокама этилаётган жиноят сабаблари, уни содир этилишига замин яратган омиллар ҳақида чуқур таҳлилий фикрлар қани? Бундай юзакиликда ўтган йиғилиш (агар ўтказилган бўлса...) айна шундай жиноятни бошқа такрорланмаслигига хизмат қила оладими?

Реклама ва эълонлар

Тошкент давлат аграр университети академик лицейи 2018-2019 ўқув йили учун қўйидаги фан ўқитувчилари вақант лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Тарих фани ўқитувчиси
2. Математика фани ўқитувчиси
3. Кимё фани ўқитувчиси
4. Физика фани ўқитувчиси

Номзодлар танловда иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

- Паспорт нусхаси;
- Сўровнома ва таржимаи ҳол;
- Маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхаси;
- Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар нусхалари (мавжуд бўлса);
- 3х4 ўлчамдаги 4 донна фотосурат.

Академик лицейга олий маълумотли ва камида 5 йил узлуksиз педагогик иш стажига эга бўлган шахслар орасидан танлов асосида ишга қабул қилинади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой мuddат ичида академик лицейнинг ходимлар бўлимида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қийраб тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй. Телефон: 260-49-29. Факс: 260-51-19.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Фиштўприк агро" агрофирмаси хуудулари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган 1-лойиха 294, 295, 409, 410, 411-контурлардаги жами 5,16 Га., шундан 4,8 Га. ер майдонидаги "Богзор", бошланғич баҳоси – 12 594 747 сўм;
2. Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Фиштўприк агро" агрофирмаси хуудулари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган 2-лойиха 412, 413-контурлардаги жами 2,87 Га., шундан 2,58 Га. ер майдонидаги "Богзор", бошланғич баҳоси – 10 036 258 сўм;
3. Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Фиштўприк агро" агрофирмаси хуудулари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган 3-лойиха 498к, 489-контурлардаги жами 4,47 Га., шундан 4,2 Га. ер майдонидаги "Богзор", бошланғич баҳоси – 9 475 956 сўм;
4. Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Фиштўприк агро" агрофирмаси хуудулари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган 4-лойиха 492, 493, 494-контурлардаги жами 4,07 Га., шундан 2,88 Га. ер майдонидаги "Богзор", бошланғич баҳоси – 9 475 956 сўм;
5. Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Фиштўприк агро" агрофирмаси хуудулари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган 5-лойиха 495-контурдаги жами 3,86 Га., шундан 3,68 Га. ер майдонидаги "Богзор", бошланғич баҳоси – 362 702 сўм;
6. Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Фиштўприк агро" агрофирмаси хуудулари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган 6-лойиха 496-контурдаги жами 3,78 Га., шундан 3,45 Га. ер майдонидаги "Богзор", бошланғич баҳоси – 8 363 066 сўм;

Очик аукцион савдолари 2018 йил 5 сентябрь кун соат 15.00 да Тошкент тумани ҳокимияти биносиде бўлиб ўтади. Мазкур объектлар сотилмаса такрорий аукцион савдоси 2018 йилнинг 12 сентябрь, 19 сентябрь, 26 сентябрь, 3 октябрь, 10 октябрь, 17 октябрь, 24 октябрь, 31 октябрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган объектларни жойига бориб кўрсатиш талабгор ҳисобидан сотувчининг вакили томонидан амалга оширилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истиғини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисида" қилишув"ни имзоландандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТВ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000804876496001, МФО 01101, ИНН 301743808 га тўлашлари лозим. Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга қўчмас мулк бозорига ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдориде шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;
- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй, 2-қаватда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18.00 да ва такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR – № 0008.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

"Uzbek Leasing International" АЖнинг 2018 йил 26 июлдаги 26-ил-сонли буйруғи ва 2018 йил 26 июлдаги UL/1575-А/008-сонли буйруғиномасига асосан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбош ҚФЙ, "Ойбек" маҳалласи, Муқимий кўчаси манзилида жойлашган, умумий ер майдони 0,0676 Га., қурилиш майдони 143,11 кв.метр, фойдали майдони 127,53 кв.метр бўлган 7 хонадан иборат офис бино-иншоотлари такроран савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 133 263 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 4 сентябрь кун соат 11.00 да ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2018 йил 31 август соат 16.00 гача.

Юқоридеги қўчмас мулк 2018 йил 4 сентябрь кун соат савдоси бўлиб ўтмаса, такрорий аукцион савдоси 2018 йил 20 сентябрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2018 йил 18 сентябрь кун соат 16.00 гача.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган мuddатда шахсан қўйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этади:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома, низом ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил аукцион савдоларида қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқловчи паспорт нусхаси илова қилинади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб, 15 (ун беш) кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунча қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат қилишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТВ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақами: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151 га тўлашлари шарт.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

Юқори Чирчик транспорт ва иқтисодий касб-хунар коллежи томонидан 2006 йилда Қозиева Зумрад Нуриддиновна номига берилган давлат намунасидаги рўйхатга олиш рақами 118 бўлган К№ 363191 серияли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Мендурман ўшал...»

Зийрак муштарийлар бу билан нимага шаъма қилаётганимизни тушу-нишди. Рост-да, нега энди қўшиқ қўйилаётган-да титрда муаллифлар номи ёзилмади. Ахир, шеър ҳам, мусиқа ҳам бир "пүф" билан ёзил-диган нарсаси эмас. Теле-радиоканаллар муҳарри-рияти янги қўшиғини тақ-



дим этаётган ҳар бир хонан-дадан қўшиқнинг аудио ва видео шакли билан бирга гастроль-концерт фаолияти учун рухсат берувчи лицен-зия ҳамда қўшиқ муаллифла-ри бўлмиш шоир ва баста-корларнинг исм-шарифи кўрсатилган матнни сўраша-ди. Хонандалар ҳам бу та-лабни, албатта, бажариша-ди.

Мисол учун, телеканаллар-га қўшиқ матни мана бундай маълумотлар билан тақдим этил-ди: "Мендурман ўшал..." Ботир Эргашев шеъри, Но-дир Умаров мусикаси, Озод-бек Назарбеков ижросида...

Демак, қўшиқ ижросиси, матни ва бастакори ким экан-ни кундай равшан. Телеканал талаби бажарилгандан кейин

ўз-ўзидан бу масала хонан-да-нинг зиммасидан соқит бўла-ди. Ҳўш, нега телеканаллар қўшиқ клипи кетаётган пайт-да экраннинг бир бурчагидан қўшиқ муаллифлари учун икки-уч сонияга жой ажрат-майди, сира тушунмайман. Клип томоша қилаётган одам-лар ижодкорларнинг кимли-гини билиб қолмаслиги ке-ракми ё? Билсин, бу ҳар то-монлама фойда-ку. Ба-маъни қўшиқ бўлса, ба-рака топсин, фалончи шоир яхши ёзган экан, дейишади. Акси бўлса ҳам бу беаъза қўшиқнинг шигирини ким ёзганига оидинлик киритилади ва ўша бўлмагур ижодкор-нинг қадамини, қалами-ни тўғрилай қўйишга им-кон туғилади.

Асли, бу гап биздан чиқ-маслиги керак эди. Илтимос, каминани тўғри тушунишлар. Эфирда қўшиқ кетаётган пайт-да, экранда шеър муалли-фи сифатида исм-шарифим кўрсатилса, унга кўзи тушган ота-онанинг бошлари кўкка етади-ку, тўғрими?

Шилқим қайнотанинг кели-нига тегажқлик қилгани ҳақидаги можазони экранга олиб чиқиб, бутун бошли бир оилани элу юрт олдида бо-шини эгиб ташлашни қотир-ган телеканаллар, яхши иш-лар қилаётган инсонлар оила-сининг бошини баланд қи-лишни ҳам эпласа, мақсад-га мувофиқ бўларди.

Ботир ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Сартарошхонада ўқи-тувчи сочини олдираётса, сартарош сўраб қолибди: – Нега, бу таълимнинг сифати пасайиб кетди? Ўқитувчи жавоб бериб-ди:

– Тасаввур қилинг, сиз соч олишингиздан аввал соч олиш бўйича намуна-вий дастурни кўриб чиқи-шингиз, шу асосида ишчи дастур тайёрлаб, тасдиқла-тишингиз керак. Албатта, дастур асосида календар-режа тузиш керак. Кейин камида 200 бетлик ўқув-ус-лубий мажмуа тайёрлай-сиз. Услубий мажмуага сартарошлик бўйича хо-риж адабиётларини таржи-ма қилиб қўйишингиз шарт. Соч олиш билан па-раллел равишда пахта те-римида иштирок этишинг-из, сартарошхонанинг олдини, у жойлашган кўча-ни ҳафтада ҳеч бўлмаса бир марта тозалаб тури-шингиз лозим. Чунки, сартарошхонага ишчи гу-руҳ ташриф буюриб қол-са, уят бўлади.

Уққанга балли!

Сартарошхонадаги суҳбат

Хўш... Ишчи гуруҳ ташриф буюришидан олдин 20 талик савол-нома келади. Савол-номаларга тайёргар-лик кўриш керак. Ай-ниқса, соч олдириш-нинг ахлоқий аҳа-миятига оид ҳафталик баённомаларни тайёрлаб қўйиш, фотоальбомларни илова қилишингиз керак. Дарсни кўп қолдирганлар-ни, э йў-э, сизнинг тилин-гизда айтганда, сочи ўсиб кетганларни уйлари-га бо-ришингиз, ота-онаси би-лан гап талашингиз, яна қайтиб келиб навбатчилик қилишингиз ва маҳалла фу-қаролар йигинларида уч-рашувлар ўтказишингиз лозим. Бунга қўшимча ра-



вишда бириктирилган касб-хўна коллежларидан хабар олиб туришингиз.... Шунда сартарошнинг мияси ғовлаб кетиб, ўқитувчининг гапини бўлибди:

– Бўлди-е-е! Агар мен бу ишлар билан ўралашиб қолсам, бутун қишлоқ одамларининг сочи ўсиб, ҳаммаёқни бит босиб кета-ди-ку...

Миршод ФАТТОВ



Бошланиш 1-бетда



Ғашим келяпти

Бир йигит мактабни тугатиб, институт-га ўқишга кирибди. Уч-тўрт йил ўқигач, аяси ўғлига қараб:

– Ўғлим, ўртоқларинг бирин-кетин уйланишайпти. Энди сениям уйлаб қўй-сак. Яхши кўрган қизинг борми? – деб сўрабди.

Ўғли эса:

– Курсдошларимдан бирини яхши кўраман! – деб жавоб берибди.

– Эсли-хушли, ақлли қизми? Бир су-ратини кўрсат-чи!

– Яқинда туғилган куним бўлади, уни таклиф қиламан, ўзингиз таниб олавера-сиз, – дебди.

Ҳақиқатан ҳам севган қизи туғилган ку-нида иккита дугонаси билан келибди. Аяси қизикиб:

– Яхши кўрганинг қайси бири? – деб сўраса, ўғли эркаланиб:

– Сизнинг дидингиз яхши. Ўзингиз то-пинг-чи, қайси бирини яхши кўрар экан-ман? – дебди.

Аяси қизларнинг олдига кириб, беш дақиқада қайтиб чиқибди:

– Ўртадаги қизни танлагансан, тўғрими?

– Аяжон, топқирлигингизга гап йўқ, – дебди ўғли. – Аммо, ўша қизни яхши кўришимни қаердан билдингиз?

– Кўрсам, ҳозирданок ғашим келяпти! – дермиш онаси.

Мен ўраатмасам...

Эр газета ўқиб, хотин телевизор кўриб ўтиришса, ўғилчалари кириб, сўраб қолибди:

– Дада, нега куёш кундузи чиқади? – Билмадим, – жавоб қилибди ота га-зетадан бош кўтармай.

Дам ўтмай, ўғил яна савол ташлабди:

– Нега юлдузлар кундузи кўринмайди? – Билмадим, – жавоб қилибди ота.

– Э, беаъни саволлар билан даданг-нинг бошини қотираввермагин, ўзи иш-дан чарчаб келди! – деб хотини гапга қўшилибди.

– Э, қўявер. Билмаганларини ўғлимиз-га мен ўргатмасам ким ўргатади? – дер-миш билагон эр.

Тўловчи: Санд АНВАР

Машҳурлар табассуми

Ҳамкасблар

Ўртамиёна бир физик Эйштейнга "ҳамкасб" дея мурожаат қилади.

– Ростданми? – дейди олим ҳайратланиб. – Сиз билан ҳамкасбимизми? Нима, сиз ҳам бод касали-дан азоб чекасизми?

Ўзмагани

яхши...

Иқтидори ўртачадан ҳам ночор бўлган бир адиб жа-мики унвон, орден ва лава-зимларга эга бўлади. Уни кўчада учратган доғистон-лик машҳур шоир Абутолиб шундай дейди:

– Сен ҳамма нарсга эришдинг. Энди мушқоқ ёзма-санг ҳам бўлаверади.

Таваккал

Кунлардан бир куни Бернард Шоу от миниб сайрга чиқади. Анча мудо-дат ўтгач, йўлида учраган одамга мурожаат қилади: – Биродар, шу отни жиловидан ушлаб турсан-гиз, илтимос, мен бир-ров почтахонага кириб

чиқаман.

– Э, нималар деяпсиз, жаноб, мен ахир парла-мент аъзосиман-ку?!

– Кўринишингиздан ҳалол, виждонли одамга ўхшаяпсиз. Майли, тавак-кал, мен сизга ишона-ман...

Ажойиб манзара

Кунлардан бир куни Эй-штейн ҳамроҳларини та-биат манзараси билан та-ништираётди, шундай дей-ди:

– Рўпарангиздаги мана шу тоғда қадимги қаср ха-робалари бор. Тик жарлик ёқасидаги сўқмоқ бўйлаб

борсангиз, тоғ этагидаги яшил водийга чиқасиз. Бу сўқмоқ жуда хавфли, эҳти-ёт бўлиш лозим, мабодо жарликдан кулаб кетгудай бўлсангиз, ўнг томонга қарашни унутманг. Кўз ол-дингизда жуда гўзал ман-зара намоён бўлади...

«Йўлни бўшат, ярамас!»

Ўз даврида тил-га тушган "Алек-сандр Невский" фильми сўратга олинаётган эди. Ногоҳ бош роль ижроси Николай Черкасовнинг тоби қочиб қолади. Су-ратга олиш майдо-ни студияга яқин эди. Актёр Алек-сандр Невский ли-боси ва гримида ичкарига шошади. Лекин қоровул йў-лини тўсиб, сўрай-ди:

– Рухсатноман-гизни кўрсатинг! Актёр рухсатно-маси пардозхонада

қолганини, ҳозир қорни қаттиқ оғри-ётганини айтиди. Қоровул эса бари-бир ичкарига ки-ритмайди. Шунда Черкасов буюк сар-карда родини ўй-наётганини эслаб қолади. Қаҳр би-лан шамширини қинидан сугуриб, қоровулга хезлана-ди:

– Йўлни бўшат, ярамас! Ҳозир кал-лангни сапчадек узиб ташлайман! Қўрқиб кетган қоровул боёқиш орқа-ўнгига қара-май қочиб қолади.

Нодира ИБРОҲИМОВА

Ҳажвиётимиз хазинасидан

гиларнинг барчасига ёд бўлиб қолган "Жанжалкапа"дан 2 ок-тябр куни учинчи хат келди. Унда "Огоҳлантириш"нинг ахвол-турха-ти олдинги сафар қайд этиб ўтил-ган шахсга нисбатан жисмоний таъсири борасида маълумот бе-ришимиз сўралган эди.

Бошқатдан тажрибалар ўтқа-зишга тўғри келди. Шунчаки

ҳўжалик раиси шаҳарлараро те-лефон орқали менга кўнғироқ қилди. Аранг-маранг саломлашув-дан сўнг, жадал мақсадга ўтди: – Ҳўш, билволайлик-чи, акаси, – дея эшитқини зириллатди у. – Қирқ уч ёшли сурбет одамга маж-лисда қаттиқ пўписа қилсам, гар-данига қанча юк орган бўламан?

– Аниқ айтиш учун, олдин таж-

Пўписанинг оғирлиги қанча?

қараб, кўпроқ ёнги озроқ томон-га ўзгартириш мумкин.

"Жанжалкапа" жамоа ҳўжалиги раисидан 16 сентябрда яна хат олди:

"Қирқ уч ёшгача ўлмасдан етиб келган, бўйи чорак кам икки метр, оғирлиги беш ярим пудлик сур-бет одамга "ҳайфсан" берсак, унга қанча юк босган бўламиз?"

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, оддийгина "ҳайфсан" юқорида тасвирлаб берилган нус-хадаги кишиларни 30-35 кило-грамм оғирликда эзар экан. Жа-моа ҳўжалигига шуни ёзиб жў-натдим.

Номи эндиликда идорамизда-

"Огоҳлантириш" деган нарсаси ки-шини 15 килограмм юкни кўтариб юришга мажбурлаши маълум бўлди-ю, бундан ўзим ҳам ҳайрат-га тушдим. Ҳисоблаб кўрсам, ишга келганимга ҳали икки йил бўлмай туриб, 11 марта "Огоҳлан-тириш" олибман. Бир ўзимга 165 килограмм жазо беришибди-я! Иккита эшакнинг юки-ку бу!

"Жанжалкапа"га навбатдаги мактубни жўнатиш билан бирга, берилаётган маълумотлар учун му-ассасамизга тўланадиган пулни банкдаги ҳисоб рақамимизга тез-роқ ўтказиш лозимлигини ҳам эслатиб қўйдим.

Ноябрнинг бешинчи кунда



риба ўтказиш керак, – дедим мен. – Агар, тахминан оладиган бўлсак, етти-саккиз қилдан кам чиқмас-ов. – Бу қанақаси! – пўнгиллаб зар-даланди раис. – Бир дбадхат кат-та иш кўрсатиб турса-ю, сизлар-га қолса, унга пўписаям қилолмас

эканман-да? Бунақада, ҳўжаликда тартиб ўрнатиб бўладими?!

– Тушунмадим...

– Нимасини тушунмайсан, ака-си? Омборчимиз жамоа ҳўжали-гимизга тегишли галлани "туя" қилмоқчи бўлтурганда, қўлга туш-ди. Унга, лоақал тузукроқ дўқ урол-масак, бу ерда нима қилиб ўти-рибмиз? Ҳўш?!

– Галлангизни кимдир ўмарса, менга нима? – дея мен ҳам ово-зини бандлатдим.

Раис эшитқини баттардан зи-риллатди:

– Битта пўписани саккиз кило-га чиқариб қўйиб, тагин "менга нима" дейсан-а! Омборчимиз ёзда сариқ касали билан оғриган. Қоида бўйича, бунақа касаллар бир йилгача тўрт қилдан ортқ юк кўтармаслиги керак экан. У сурбет "шунга риоя қилинлар", деб турибди. Қалланг зўр бўлса, айт-чи, тўрт қилолик яримта дўқни унга қақдан топай энди? Хе, ўша сандақа пайласуфларни... Эшитқидан "дўт-дўт" деган то-вуш тарала бошлади. Қишлоқ билан илғор фан ўртасида тикла-наётган алоқа яна тўсатдан узи-либ қолди...

Анвар ОБИДЖОН

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат

ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.

12 045 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-58-85 (факс)

233-70-10

233-12-83

233-38-23, 233-48-08

233-65-59

233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
оператор Т. Махмуджасов
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Абдусалом МАҲМУДОВ

Навбатчи

Зухриддин РАҲМОНОВ

Назоратчи мусахҳиҳ

Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@uam.uz; th-tp@mail.ru Буюртма V-2120. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбав ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 00.00.